



## ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ҚҰЛЛАШДАГИ МУАММОЛАР

**Гадоймиродов Бекзод Обиджон ўғли**

ИИВ Академияси Ҳуқубузарликлар профилактикаси

ва криминология кафедраси үқитувчиси капитан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7416880>

Инсон ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ўзининг яшаш худудида эркин, тинч ва фаровон яшаш қанчалик мухум ҳаёттій жараён эканлигини яна бирбор атрофдаги бўлаётган нотинчилклардан азият чекаётган фуқаролар мисолида тушуниб етмоқда. Инсоннинг ўз ҳаёт йўлида эркин ва фаровон яшашлик учун турли тўсиқлар мавжуд. Ушбу тусиқлардан бири инсоният курашиб келаётган жиноятчилик оламидир. Бугунги қунда инсонлар жиноят оламига турли сабабларга кўра кириб қолмоқда. Баъзан бу моддий етишмовчиликда, баъзан эса ҳуқуқий онгининг пастлигига, ёки назоратсизлик оқибатида жиноят содир этаёдганлиги кўзга ташланмоқда.

Жиноятчилик охирги 30-40 йилда дунё бўйича 3-4, собиқ иттифоқ давлати худудидаги республикаларда 6-8, АҚШда 7-8, Буюкбритания ва Швецияда 6-7, Францияда 5-6, Германияда 3-4, Японияда 1,5-2 баробар ўсган. БМТнинг маълумотлари бўйича дунёда жиноятчиликнинг ўсиши 5 фоизни ташкил этмоқда . Жиноятчиликни барвақт олдини олиш учун эса давлатлар томонидан кўплаб ишлар ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликни барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, жамиятга мослаштириш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишда ёрдам қўрсатиб келинмоқда.

Бизга маълумки хозирги қунда ҳуқуқбузарликнинг салбий оқибатларига қарши курашиш қарашларидан кечилиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш таъмойили илгари сурулмоқда. Ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни назорат қилиш ва қайта тарбиялашда ҳукуматлар томонидан норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиниши мухум аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни бўлиб, унда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича тўртта тури белгилаб берилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;



-хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси .

Хуқуқбузарлик содир этган шахислар билан алоҳида профилактик ишлар олиб бориш мақсадида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қонунда ўз аксини топган. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат:

- профилактик сухбат;
- расмий огохлантири;
- хуқуқбузарликни содир этиш сабалари ва уларга имкон беравётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик хисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат .

Юқорида кўрсатиб ўтилган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни самарали ва таъсирчанг қўлланилишида кўплаб муаммолар мавжуд. Жумладан, профилактик сухбат жараёни аниқ белгиланган тоифадаги шахслар билан мунтазам равишда олиб бориш учун профилактик сухбат олиб борадиган мансабдор шахсларнинг тизими аниқ тартибга солинмаган. Фуқаро билан профилактик сухбот олиб бориш учун мансабдор шахслар турлича кўринишда олиб боришади. Мисол учун маълум бир мансабдор шахслар тилхат, тушунтириш хати ва номига расимга тушуб, фуқаро билан профилактик сухбат олиб борилганлигини исботлаш учун фота илова тариқасида қилинган иш сифатида топширилади.

Якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлардан яъна бири бу расмий огохлантириш хисобланади. Расмий огохлантириш – шахсга ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтириш, шунингдек хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни хуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огохлантиришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат. Расмий огохлантириш хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 07 февраль кунидаги “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огохлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 60-сон қарори ва ушу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида



Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 август куни қабул қилинган “Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, унда Ички ишлар органларининг шахсга нисбатан «Расмий огоҳлантириш»ни эълон қилиш ваколатига эга бўлган ички ишлар органларининг мансабдор шахслари келтириб ўтилган. Ушбу буйруқда расмий огоҳлантиришни кимларга нисбатан кўлланилиши ва шакли белгилаб берилган. Бугунги кунда расмий огоҳлантириш бланкаси амалётда кўп қўлламаслик ва у хақида маълумотга эга бўлмаган мансабдор шахслар ҳам учрамоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида ИИО маъсул раҳбарлари, назорат қилувчи органларнинг иш юрутуда бўлган хужжатлар таркибида бўлиши кераклигини ва ЖИБ судлар томонидан хуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиши вақтида белгиланган «Расмий огоҳлантириш» бланкаси талаб қилинмаётганлиги, расмий огоҳлантириш бланкасини тўлдириш бироз мураккаб тарзидалиги ва ИИБ маъсуллари томонидан расмий огоҳлантириш бланкаларини ижрочиларга етказиб бермаётганлиги ҳам қўзга ташланиоқда. Расмий огоҳлантиришга ваколатли бўлган хизматлар томонидан эса ўзларига қулай кўринишдаги, фақат бир томонлама кўрининшга эга шакилларини қўллашмоқда ёки умуман қўлланилмайди. Хуқуқбузарликларга қарши курашишда, унинг барвақт олдини олиш ва хуқуқбузарлик содир этилиш сабалари ва уларга имкон бераётган шартшароитлар аниқлаш, тахлил қилиш, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни қўллаш мухум аҳамият касб этади. Ушбу чора-тадбирлардан бири, хуқуқбузарликни содир этиш сабалари ва уларга имкон бераётган шартшароитлар тўғрисида хабардор қилишдир. Бугунги кунда “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддасида “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиши) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган хуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шартшароитларни қўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли” деб қўрсатиб ўтилган.



Ички ишлар органлари хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни) ёки яаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қўйидаги ҳолларда:

-шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга эга эканлигини англаб етмаган ва қилган ишидан пушаймон бўлмаган ҳолларда;

-шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоага, шунингдек яшаб турган жойидаги маҳалла фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши ёки тарбияси ва руҳиятига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда;

-шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвортининг ёки хуқуқбузарлик содир этишга мойилликнинг шаклланишига туртки берган омил ёхуд шахснинг хуқуқбузарлик содир этишига имкон берган шарт-шароит бевосита унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоа ёки яаш жойидаги фуқароларнинг муносабати ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаракатсизлиги (бефарқлиги, лоқайдлиги) билан боғлиқ бўлган ҳолларда хабардор қилиниши мумкин.

Аммо юқорида келтириб ўтилган холатлар бўйича хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни) ёки яаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар берилмасдан, мансабдор шахслар томонидан ўзларининг йиғма жилдлари учунгина хабарнома чиқариб қўйишмоқда. Бу эса ўз навбатида хуқуқбузарликларга қарши курашишда самарадорликни камайтироқда.